# Янги йил ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва файзу барака олиб келсин!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003 YIL ■ 1 YANVAR ■ CHORSHANBA ■ № 1 (27.021) uzb ovozi@sarkor.uz. ■ 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

## Самимий қутловлар

**Янги, 2003 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари тинчлик ва осойишталик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллаганлар. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрик хати олинди:**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,*

*Кириб келаётган Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.*

*Шуниси қувончлики, тугаб бораётган йил Россия билан Ўзбекистон ўртасида кўп соҳаларни ўз ичига олган алоқаларнинг жадал ривожланиши, ҳамкорликнинг устувор соҳаларида баҳамжиҳат ҳаракатларнинг чуқурлашуви билан нишонланди.*

*Янги йилда Россия — Ўзбекистон самарали муносабатлари икки томонлама бой салоҳиятдан мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб самарали фойдаланиш мақсадида тобора жўшқин тус олишига ишончим комил.*

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистоннинг бутун халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.*

*Эҳтиром ила,*

**В.ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**

**Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан; Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь; Германия Федератив Республикаси Президенти Йоханнес Рау; Германия Федератив Республикаси Федерал Канцлери Герхард Шрёдер; Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Джунг; Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос; Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев; Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев; Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян; Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновлардан ҳам самимий тилаклар билдирилган табриклар келди.**

# Ўзбекистон халқига Янги йил табриги

***Азиз ватандошларим, юртдошларим!***

***Барчамиз мана шу лаҳзаларда оила, ёру биродарларимиз даврасида жамулжам бўлиб, байрамона дастурхонлар атрофида тўпланиб, ўтиб бораётган эски йил билан хайрлашиб, кириб келаётган янги йилни кутиб олиш учун тайёргарлик тараддудини кўрмоқдамиз.***

***Мана шу файзли ва унутилмас оқшомда мен ҳам кўпчилик қаторида сиз қадрдонларимни бағримга босиб, Янги йил байрамингиз билан қизғин муборакбод этаман ва шу қутлуғ айём арафасида барчангизга энг эзгу, самимий тилакларимни, чексиз меҳр-ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.***

*Ҳақиқатан ҳам, ҳаяжонли, шукуҳли ушбу дақиқаларда ҳар биримиз якунига етаётган йилда бошимиздан кечирган, бир-бирига ўхшамайдиган кунларни беихтиёр хаёлимиздан, кўз ўнгимиздан яна бир бор ўтказамиз. Бамисоли дарёдек ўтиб бораётган вақтнинг ҳаётимизда қолдирган изи ва таъсири, умрнинг ғаниматлиги ҳақида ўйлаймиз.*

*Шу дамларда, аввало, барчамизни шу кунларга етказиб, мушкулимизни осон, йўлимизни равон қилиб, ўз паноҳида сақлаб, асраб келаётгани учун Парвардигоримизга шукроналар айтишимиз ўринлидир.*

*Биз бугун бир йил давомида босиб ўтган, ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, орзу ва умидларимиздан иборат даврни кузатар эканмиз, уни ижобий баҳолашимиз, халқимиз таъбири билан айтганда, берганига рози бўлишимиз табиий, деб ўйлайман.*

*Кўпмиллатли юртимизда йил давомида тинчлик ва осойишталикни, тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб, ўз уйимизни ҳозирги кунда бутун дунёда энг катта хавф бўлмиш халқаро терроризмдай мудҳиш хатардан асраб, остонамизда бало-қазо бўлиб турган ёвуз кучлардан халос бўлганимиз — барчамизга, аввалambор қарияларимиз, аёлларимиз ва болаларимизга эркин нафас олиш ва келажакка ишонч билан қараш учун замин бўлди, деб таъкидлаш зарур.*

*Халқимизга мансуб бўлган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, саховат ва мурувват каби фазилатларнинг бугун жамиятимизда тобора кенгайиб, кучайиб бораётгани ҳаётимизнинг маъно-мазмунини янада бойитишга хизмат қилмоқда.*

*Бу борада юртимизда 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилганимиз, мўътабар кексаларимизни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, ташвиш-юмушларини имкон қадар енгиллатиш, жамиятимизда уларнинг ўрни ва таъсирини юксалтириш мақсадида амалга оширган ишларимиз маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилгани ҳамда бу савобли саъй-ҳаракат ва интилишларимизни фаолиятимизнинг узвий бир қисмига айлантириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.*

*Кейинги йилларда ҳаётимизни юксалтириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида, очиқ айтиш керакки, бугун барчамиз бошимиздан кечираётган рўзғор тебратишдаги иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларни бартараф этиш учун олиб бораётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда.*

*Ушбу йўналишда иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштириш ҳисобидан кўзлаган марраларимизга етиш, ҳаётимизни фаровонликда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, аввало, истеъмол товарлари, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички бозорни ўзимизнинг сифатли молларимиз билан тўлдириш, шу орқали аҳолини, биринчи галда, ёшларимизни иш билан таъминлаш, бунинг учун чет эл сармояларини кенг жалб этиш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши — буларнинг барчаси келгуси йилларда ҳам бизнинг асосий мақсад-муддаоларимиз бўлиб қолиши шубҳасиз.*

*Мухтасар қилиб айтганда, якунига етаётган йилда Ватанимизнинг дунёда обрў-эътибори, нуфузини янада ошириш борасида, ички ва ташқи сиёсатда, барча соҳаларда қўлга киритган марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурланса арзийди, албатта.*

*2003 йилни мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганимиз замирида ҳам мана шундай ноёб, фақат бизнинг халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизими, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш маҳалла мисолида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда истиқомат этаётган барча инсонларнинг Ватани — Ўзбекистон деб аталмиш ягона уйимизни янада обод ва фаровон қилиш мақсади мужассам эканини айтишимиз зарур.*

*Мана шундай қараш ва интилишлар одамларимиз, айниқса униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг онги ва тафаккурига чуқур кириб борса, уларнинг фаоллигини оширишга, ҳаётда бефарқ бўлиб яшамасликка ундаса, улар мана шу тупроқ, мана шу Ватан менинки, унинг тақдири ва келажаги менинг ва оиламнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғланган деб яшайдиган бўлса, барча эзгу тилакларимиз ва орзу умидларимиз рўёбга чиқиши муқаррар, иншоолло.*

*Қадрли ва азиз ватандошларим!*

*Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.*

*Янги йил ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва файзу барака олиб келсин.*

*Мана шу табаррук айёмда қилаётган барча яхши ниятларимиз ижобат бўлсин!*

*Ватанимиз тинч, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!*

*Янги йил ҳаммамизга муборак бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

*1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилсин. 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси лавозими киритилсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмаси ва ходимлари сонини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги 56-сон қарорида: 1-иловада «Бош вазир ўринбосари — Давлат мулки қўмитаси раиси — 1» сўзлари чиқариб ташлансин; 10-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.*

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## М. А. Асқаровни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

*Маҳмуджон Аҳматович Асқаров Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 30 декабрь

## Фарзандларимиз парвози баланд бўлсин!

*2002 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. 29 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида мазкур жамғармани ташкил этиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уюшма, компания, корпорациялар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.*

*Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди. Давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.*

**(Давоми 2-бетда)**

## «Президент арчаси» тантаналари бошланди

*29 декабрь куни Ўзбекистон давлат консерваториясида «Президент арчаси» томошалари болаларнинг шодон кулгиларига уланиб кетди. Кошона эса сеҳрли ва ғаройиб эртаклар мамлакатини эслатади.*

*Мана, ўн йилдирки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу байрам кунлари кўнгли ярим, эҳтиёжманд, серфарзанд оилалар фарзандларига, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-мурувват кўрсатиш, совғалар улашиш ажойиб анъанага айланди. Ўтган йилги ана шундай тантаналар қайтадан қад ростлаган Ўзбек Миллий академик драма театри биносида ўтган эди, бу йил эса муҳташам консерваторияда бошланди. Болажонларни мустақиллик йилларидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан таништириш, қолаверса, уларнинг қалбида миллий санъатимизга муҳаббат уйғотишда бу муҳим аҳамият касб этади.*

*Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Б.Қурбонов болаларни Президентимиз Ислом Каримов номидан Янги йил байрами билан самимий қутлар экан, ушбу дамлар кичкинтойлар ҳаётидаги энг унутилмас, ёрқин лаҳзалар бўлиб қолишини таъкидлади. Эътиборга молик жиҳати, истиқлолимизнинг илк йилларидан ёш авлоднинг таълим-тарбияси, соғлом, маънавий баркамол инсон бўлиб етишиши масаласи мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.*

*2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан ушбу байрамга пойтахтимиздаги кўплаб маҳаллалардан серфарзанд, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ўғил-қизлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари таклиф этилган. Арча атрофида қувноқ куй-қўшиқлар янграйди. Қорбобою Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари томошаларга янада кўтаринки руҳ бағишлайди. Болакайлар завқ-шавққа тўлиб шеър, ашула айтган, бошқа бировлари шўх-шодон рақсга тушган...*

*Консерваториянинг катта залида эса «Саиднинг саргузаштлари» спектакли болаларга ўзига хос яна бир туҳфа бўлди. Мардлик, юртга садоқат, ватанпарварлик ғояларини тараннум этувчи бу эртакни кичкинтойлар мириқиб томоша қилишади.*

*Томошалар ниҳоясида болаларга Президентимиз номидан совғалар топширилди.*

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ТИЛАК

***Тангрим, ҳар банданга ўзинг қил шафқат,***
***Жисмига қувват бер, руҳига рағбат.***
***Ахир нималарни орзу қилмас у,***
***Фақат эзгуликка йўл бергин, фақат.***

**Абдулла ОРИПОВ,**
**2002 йил, 31 декабрь**

# Ассалом, Обод маҳалла йили!

• ПУБЛИЦИСТИКА

Одатда ҳамма ҳам кундалик тутавермайди. Уларнинг танҳо ишончи – хотира...

Хотира (айниқса, кучли хотира) тирик тарихнинг ўзи! Мана (узоққа борманг), бу йилги қишнинг илк куниданоқ ёққан биринчи қорни олинг. Кейин устига-устак кун сайин, бутун ой давом этган бу қорли кунларни энди узоқ вақтлар ким эслаб юрмайди дейсиз, ҳамма эслайди.

**Қаранг, қишнинг бир ойи,**
**Ўтди роса қор билан.**
**Юртим дала, қир, сойи,**
**Кутган эди зор билан...**

Ўзининг шўх-шан болалик қишларини эсламаган киши бўладими: тепалик, чена, қирадир, «қор бўрон» ўйинлари, қийқириқлар... Қор! Оппоқ, юмшоқ қор! Бир олам қувонч бағишлайди кишига.

Байрамларнинг кўпчилиги одатда баҳор, куз ойларига, баъзан ёз фаслига тўғри келади. Қишнинг эса энг катта байрами – Янги йил! Тағин у бошқа катта-кичик байрамлар сингари йил оралиғидаги ойларнинг муайян саналарида келгувчи байрамлардан эмас. У ҳар икки йил ўртасида кўприк бўлиб, иккаласига ҳам баравар шодлик, шодонлик бахш этгувчи, байрамларни бошлаб бергувчи байрам!

Аниқроғи, хайрлашаётган йил учун у бутун тўрт фаслда қилинган барча (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий ва ҳоказо) ишларнинг пировард якуни бўлса, кириб келган Янги йил учун амалга оширилажак юмушлар, адоғига етмай қолган ишлар ёхуд пойдевори қўйилаётган улуғвор режалар, тинчлик, ободлик, фаровонлик истиқболидир. Янги йил – янги умид дейдилар, ахир.

Бугун абадийликка кетган 2002 йилнинг тўрт фасли давомида босиб ўтилган йўлни **хотирламай**, янгидан юражак сўқмоқларга назар ташламай, эртанги кунларга умид боғламай бўладими!

Хўш, кечагина йил тақвими (календар)дан сўнгги варағи йиртилган 2002 йил – мустақилликнинг ўн биринчи йилида биз учун энг муҳими нима бўлди?

Энг муҳими – халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларини ижобий силжишлар билан якунладик. Ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорликни таъминлади. Йилнинг уч чораги натижаларига кўра, ялпи ички маҳсулот 103,0 фоиз, саноат товарлари 107,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 101,7, чакана товар айланиши 103,6, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 112,0 фоиз ўсишга эришилди.

2002 йилда айниқса, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг бош йўли – ижтимоий соҳага алоҳида эътибор берилди. Масалан, соҳани молиялаштириш харажатлари деярли 732,6 миллиард сўмни, ижтимоий ҳимоя тадбирлари учун қилинган сарф эса 142,4 миллиард сўмни ташкил этди. Кўриб турибсизки, бу харажатлар биргина ижтимоий ҳаётимизнинг ўзига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағнинг 45,4 фоизини ташкил этмоқда.

Тўғри, биз бу кўрсаткичларга осонликча эмас, жуда катта куч-ғайратлар билан эришдик. Муаммолар, етишмовчиликлар бўлди. Лекин биз уларнинг чорасини, ечимини топдик. Бозор иқтисодиёти шароитида янгича ёндашувлар излаб, туб иқтисодий ислоҳотларга оид ғоят муҳим лойиҳалар, ишланмалар, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари яратдик. Кўпгина соҳаларда истиқбол сарҳадларига чиқиб ололдик: саноатда ишлаб чиқариш суръатлари ўсди, қишлоқ хўжалигида маҳсулот харид қилиш кўпайди, фойда олиш режалари бажарилди. Экспорт ҳажми ошиб, республикамиз хазинасига валюта оқимининг кириб келиши кўпайди. Юзлаб янги қўшма корхоналар фаолият бошлади.

Яқинда мамлакатимиз парламентининг навбатдаги сессиясида Янги йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган бюджет харажатлари улуши 2002 йилдаги жами бюджет харажатларининг 52,8 фоизидан 54,3 фоизигача ошиши режалаштирилганлиги айтиб ўтилди. Ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва фан соҳаларига 953,6 миллиард сўм маблағ ажратиладиган бўлди. Бу – ўтган йилга нисбатан 221 миллиард сўм (ёки 30,2 фоиз) кўп деганидир.

Янги йилда замин, табиат, атроф-муҳит, пировардида – **Инсон** ҳақида ҳар қачонгидан кўпроқ, кенгроқ ўйлар ва режаларни ихтиёр қилаётирмиз. Ҳолбуки, эндиликда замин ҳақида, Ватан ҳақида ўйлаганимизда – давлат ва халқ нуқтаи назаридан ёндашишни ўргандик. Келажакка – ўғил-қизларимизга, набираю эвараларимизга озод ва обод юртни қолдиришни мақсад-муддао қилдик.

... Янги – 2003 йилда одатдагидек энг муҳим умидимиз – Тинчлик! Ва яна Тинчлик! Мучал тақвимига кўра, у – Қўй йили. Қўйни жаннатдан чиққан жонивор дейишади. Йилимиз ҳам қўйдек тинч, ювош ва жаннати йил бўлсин. Дарвоқе, бу борада биз хайрлашган йилимиз адоғига сиёсий ва маънавий жиҳатдан жуда катта ютуқлар билан келдик. Биргина биз эмас, бутун инсоният эришди бу ютуққа! Халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон халқларининг якдиллиги Афғонистонда давом этган бир неча ўн йиллик бошбошдоқликларга чек қўйди. Биргаликдаги бу курашда Ўзбекистон олдинги сафларда турди. Наркобизнесга қарши курашда дунёнинг энг нуфузли минбарларидан туриб, барчага манзур ва мақбул ташаббуслар билан чиқди... Чунки, жаҳон тинч бўлса – ер тинч, осмон тинч, еру осмон тинч бўлса – жаҳон тинч!

Янги йил – Янги умид! Юртбошимиз Янги йилга ана шундай умидлар билан қараётган халқимиз кайфиятидан келиб чиққан ҳолда 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб номлади. Уни истиқлолимиздан сўнг ўзига хос ва ўзига мос равишда янги-янги орзулар ила номланган ҳар бир йил – «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили» сингари шу кўҳли, саранжом-сариштали, файзу фариштали, осойишта йил бўлишини эзгу ният қилди. Юртимиз эл-элатларига меҳр-оқибат, аҳли жипслик, омаду ўнглик, қут-барака тилади.

Бу бежиз эмас. Халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, анъаналари, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизнинг асл масканлари – маҳаллалар зиммасида бугунги кунда улкан тарбиявий (маданий, маънавий, маърифий) вазифалар турибди, ахир.

**«Барчангиз яхши биласиз,** – дея таъкидлади Давлатимиз раҳбари, – **«Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла» –деган ҳикматда жуда катта маъно бор.**

**Агар биз бу ибораниг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин – бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими – буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.»**

Шу маънода мамлакатимизнинг давлат бюджетида **«Обод маҳалла йили»**да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятини молиялаштириш учун 12,8 миллиард сўм ёки 2002 йилга нисбатан 1,3 баравар кўп маблағ сарфлаш режалаштирилди. Икки ёшгача гўдаги бўлган оналарга бериладиган нафақа миқдори ҳам минимал иш ҳақига қараганда амалдаги 170 фоиздан 200 фоизгача қадар ошиши кўзда тутилди.

... Ҳа, **Обод маҳалла йили**дан умидларимиз кўп. Белгилаган режаларимиз ҳам ғоят улуғ ва қутлуғ... Уларнинг ҳаммаси хайрли, эҳсонли ва савобли ишлар ҳамдир.

Бугун Янги йилнинг илк файзли тонгида **«Ўзбекистон овози»** газетасининг барча мухлисларини, Сиз азиз юртдошларимизни Янги йил билан қутлаймиз. Энг гўзал ва энг тиниқ тилаклар йўллаймиз. Янги йилимиз ҳаммамизга муборак бўлсин!

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

## Йиллар, йўллар, излар

**Йилдан йилга ўтиш сониялари...**

**Бу ҳаяжонли лаҳзаларни таърифлаш қийин. Хўш, хайрлашаётган 2002 йил Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди? Янги 2003 йилдаги режаларингиз?**

**Бу саволларга юртдошларимизнинг айримлари шундай жавоб бердилар:**

***Дилбархон АКРОМОВА, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг Наманган вилоят бўлими бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:***

– 2002 йил мен учун ана шундай қувончли хотираларга бой бўлди. Айниқса, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлиб, Юртбошимиздан «Олтин юлдуз»ни олганимда Ўзбекистон фуқароси, шу азиз юрт фарзанди эканимдан қалбим фахрга тўлди. Озодлик қадрини юрак-юракдан ҳис этдим. Меҳнатларим Ватанимизнинг юксак унвонига муносиб кўрилгани наинки мени, балки барча наманганликларни хушнуд этди, десам янглишмайман.

Илоҳим, мустақил диёримизнинг 2003 йилдаги одимлари яна ҳам самарали бўлиб, жаҳон узра обрў-эътибори тобора ошиб бораверсин. Ўзбек аёлининг қалби осмон, ўғил-қизи ҳамиша шодон бўлсин.

***Шавкат ПОЛВОНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт факультетининг иқтисодиёт ва агробизнес-88 иктидорли ёшлар гуруҳи толиби:***

– 2002 йил – от йили эди. От йилида отдек сакрашлар қилдим, десам мақтанаяпти, деманг. Талаба учун ҳукуматимизнинг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб қолишидан ҳам муҳимроқ вазифа борми...

Ўйлайманки, мен ўтган йилнинг ҳар бир онини бекор ўтказмадим: халқаро тадқиқотлар ва алмашувлар бўйича Irex ташкилотининг Интернет курсини битирдим. Компьютер сир-асрорларини ўргандим. Университетимизда танлов асосида ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтиб, 8 нафар талабадан иборат иқтидорли ёшлар гуруҳига қабул қилиндим. Ихтисослигим ва йўналишимга кўра, иқтисодиёт муаммолари мавзуидаги илк мақолаларим «Туркистон», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида босилиб чиқди. Ватан тўғрисидаги ишим «Моҳият» газетасида чоп этилди. Унча-мунча шеърлар ҳам машқ қилиб тураман.

2003 йил – қўй йилидан умидларим кўп. Ҳаммасини олдиндан ошкор қилмайман... Мен аввало, бу йилни қўйдек тинч, осойишта, жаннати йил бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламан. Мақсадим – «Сорос», «Британ» сингари ташкилотлар орқали Буюк Британиянинг Оксфорд университетига бориб ўқиш.

Яна бир орзуим – фирма очмоқчиман. Унинг қайси йўналишда ва қандай бўлишини ҳозирча айтмайман, сир...

***Анифа АРТИҚОВА, Қорақалпоғистон тасвирий-амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:***

– Мен юртимнинг бахтли қизлариданман. Тошкентда ўтказилган танловда «Турналар қайтиб келади» асарим билан қатнашиб совриндор бўлдим. Голландияда «Дўст бўламиз», Чехияда «Мен рассом-модельер бўламан» танловларида иштирок этиб, олтин ва кумуш сертификатларига эга бўлганман. Айниқса, Зулфия «қизи» бўлиб, унинг номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганим билан фахрланаман. Менинг бу ютуқларимда устозларим Жалгас оға Хўжаметов, Мурод Бердимбетов, Мария Куттумуротова, Гуласал Ёқубоваларнинг хизматлари беқиёс.

Бу йил битирувчи синф ўқувчиси сифатида мустақил ҳаётга қадам қўяман. Келажакда рассом-модельер бўлмоқчиман. Халқимга ажойиб асарлар инъом этиш – эзгу мақсадим.

***Соат ШАРИПОВ, ЎзТВ «Келин-куёв» кўрсатуви бошловчиси:***

– 2002 йил оиламиз учун қувончли воқеаларга бой бўлди. Ўғлим Санъат Шарипов Москва университети 5-курсига ўтиб, имтиҳонларни тезкорлик билан топшириб, 5 ой давомида Американинг «CNN» компаниясида ўз малакасини оширди. Катта қизим Чарос Шарипова Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети битирувчи курсига ўтиб, Ўзбекистон телевидениесининг «Ассалом Ўзбекистон» кўрсатувида «Тонгги хабарлар» информацион саҳифасини олиб боряпти.

Иккинчи қизим Ҳулкар Шарипова Ўзбекистон Миллий университетининг хорижий филология факультети 2-курсида аъло баҳолар билан ўқимоқда. Рафиқам Гулсара Шарипова 2002 йилда эсда қоларли бирон-бир нарса қилгани йўқ. Ўзимга келсак... 12 дан ортиқ «Келин-куёв» телешоу тайёрладим. Мен учун 2002 йилдаги энг эсда қоладиган воқеа Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан 15 нафар тележурналистлар, телеоператорлар, муҳаррирлар қаторида Миср Араб Республикасида 27 кун мобайнида ўқиш ва малака оширишга бориб келишим бўлди.

Худо хоҳласа, бу йил 50 ёшга тўламан. Ана шу 50 ёшимни кўнгилдагидек қилиб ўтказиш. Ўғлим Санъат ва қизим Чарослар янги йилда ўз ўқишларини тугатиб, диплом ишларини ҳимоя қилишади.

Хуллас, бу йил нишонлайдиган саналар жуда кўп. Кўп гапириб юбордим шекилли. Фурсатдан фойдаланамиб, «Ўзбекистон овози» газетаси мухлисларини кириб келаётган янги 2003 йил билан Шариповлар оиласи номидан чин дилдан муборакбод этамиз. Янги йилда мамлакатимизда келин-куёвлар янада кўпайсин.

# Фарзандларимиз парвози баланд бўлсин!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Истиқлол йилларида шўролар замонида одатий ҳолга айланган экологик зуғум, болаларнинг оммавий тарзда бутифос каби кимёвий оғулардан заҳарланиши, камқонлик ва шунга ўхшаш бошқа хасталикларга чалинишига чек қўйилди. Лекин, деди Президент, аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: соғлом авлод тарбияси кўпроқ бир ёқлама, яъни тиббиёт йўналишида олиб борилмоқда. Ваҳоланки, спорт азал-азалдан ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик омили бўлиб келган. Халқимиз бежиз, соғлом танда – соғлом ақл, демайди.

Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурурифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа талай соҳалардаги аҳамияти беиҳоя каттадир. Бир мисол: Ўзбек курашининг довруғи бугун етти иқлимга таралмоқда. Демак, спортнинг миллий қадриятларимизни тиклашда ҳам беқиёс ўрни бор.

Президент Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Спорт фақат пойтахт ёки вилоят марказларидагина ривожланмай, энг олис қишлоқларга, чекка ҳудудларга ҳам етиб бориши ва у, албатта, оммавий бўлиши керак. Бу ишга болаларни фақат тилда эмас, дилидан яхши кўрадиган, уларга мураббийлик қилишдан толмайдиган, бир сўз билан айтганда, фидойи мутахассисларни жалб этиш ўта муҳимдир.

Жойларда болалар учун спорт иншоотлари қуришда палапартишликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу иш илмий жиҳатдан чуқур асосланган ҳолда замонавий лойиҳалар бўйича режали амалга оширилиши керак. Бу борада бизга кенг кўламда олиб борилаётган лицей ва коллежлар қуриш тажрибаси қўл келиши мумкин.

Болалар спортини ривожлантиришга ҳомийлар иштирокини қўллаб-қувватлаймиз, деди Президент. Бу ёрдам фарзандларимизнинг камоли учун астойдил жон куйдирган чин ватанпарвар инсоннинг беминнат ҳиммати тарзида намоён бўлиши керак.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагановнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга оид ахбороти тингланди.

Вилоят ҳокимларига жойлардаги вазият билан чуқур танишиш, болалар спортини ривожлантиришнинг имкониятларини обдон ўрганиб, аниқ таклифлар бериш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш фақат дахлдор идоралар, мутахассисларнинггина эмас, барчанинг ва ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир, деди Президент пировардида. Мен бу тадбирнинг умуммилий ҳаракат даражасига кўтарилишини истар эдим.

Фарзандларимизда 5-7 ёшдан бошлаб спортга меҳр ўйғотсак, спорт бора-бора уларнинг доимий ҳамроҳига айланади. Спорт билан шуғулланган одам ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида собитқадам бўлади. Келажагига ишонч билан қарайди. Соғлом киши ҳар бир кунидан олам-олам завқ олади, таъбир жоиз бўлса, қанот чиқариб, учиб юргандек бўлади.

Фарзандларимизнинг парвозлари ҳамиша баланд бўлсин!

**М. РАҲМОНОВ**
**(ЎзА)**

# Янги жамғарманинг таъсис конференцияси

29 декабрь куни пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган делегатлар орасидан конференция Раёсати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур жамғарма фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарорининг ижроси бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов маъруза қилди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Низоми лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Муҳокамада сўзга чиққан шахмат бўйича Осиё чемпиони Ю.Ҳамроқулова, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари А.Абдуқаҳҳоров, Андижон вилояти спорт қўмитаси раиси М.Муҳиддинов, дзюдо бўйича республика терма жамоаси бош мураббийи А.Бағдасаров ва бошқалар тузилаётган жамғарманинг аҳамияти ҳамда Низоми лойиҳаси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Жамғарманинг Низоми ва бошқаруви аъзолари тасдиқланди. Васийлик кенгашининг таклифига кўра, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкилий ишлар ва кадрлар бўйича гуруҳ раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Алишер Мирқосимов жамғарма бошқарувининг раиси – ижро этувчи директори этиб сайланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашига раислик қилишни ўз зиммасига олган. Бу эса ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир намунасидир.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов сўзга чиқди.

Конференцияда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Д.Ғуломова, Р.Азимов, Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири**

# Истиқлол, имконият,

***ХАЛҚ ТАЪЛИМИ***

*** 9672 та умумтаълим мактабларида олти миллиондан ортиқ ўқувчи сабоқ олмоқда. Уларга таълим бераётган педагоглар сони 500 мингдан зиёд.**

*** 1997-2001 йиллар давомида 188 минг ўқувчига мўлжалланган 518 та мактаб қурилди. Информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинети мавжуд бўлган мактаблар сони 306 та, яъни 7,5 фоизга кўпайган, компьютерлар билан таъминланиш даражаси 48 фоизга етди.**

***ОЛИЙ ТАЪЛИМ***

*** 2002 йилда 35620 нафар бакалавр ва 3020 нафар магистрлар олий ўқув юртларини тамомлади.**

*** 170 нафар талаба халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, уларнинг кўпчилиги хорижнинг нуфузли университетларида ўқишга грантларини қўлга киритишди.**

*** Компьютер дастурлари яратиш бўйича бутунжаҳон талабалари чемпионатида республикамиз ёшлари илк бор қатнашди.**

*** Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танловида таълимнинг 11 йўналиши бўйича 96 нафар талаба билимларини синаб кўрди. 10 нафар энг билимдон ёш 2003 йилдаги Президент стипендияси соҳиби бўлдилар.**

**196 нафар талаба Беруний, Улуғбек, Навоий, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий номидаги Давлат стипендияларига сазовор бўлди.**

*** 2002 йилда халқаро спорт мусобақаларида 150 нафар талаба иштирок этди. Жумладан, Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинларида талаба-ёшларимиз муваффақиятли қатнашиб, улардан 12 нафари олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.**

***ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ***

*** 2002 йилда республика касб-ҳунар коллежларини 24510 нафар ўқувчи тугатди. Улардан 18817 нафари иш билан таъминланган.**

*** Республика олимпиадаларида 19 нафар ёш ғолибликни қўлга киритди.**

**Кимё фани бўйича халқаро олимпиадада БухДУ қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Анвар Ёрмуҳаммедов 3-ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлди.**

*** Остона шаҳрида бўлиб ўтган IMPC – 2002 халқаро математик лойиҳалар мусобақасида 3 нафар ўқитувчи ва ўқувчи Камила Муҳаммедханова учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.**

*** 2002 йилда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидан 4 нафар ўқувчи Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.**

*** Бугунги кунда республикамизда 51 та академик лицей, 15 та лицей-интернат ва 10 та лицей фаолият кўрсатмоқда.**

*** Республикадаги мавжуд академик лицейларда жами 22480 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 2002 йил 30 та академик лицейни 4352 нафар, 14 та лицей ва лицей-интернатларни 472 нафар, жами 4824 нафар ўқувчилар битирди.**

***СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ***

*** Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 6 та тиббиёт институтлари, 1 та Фармацевтика институти фаолият кўрсатмоқда.**

*** 2002 йилда ушбу институтларнинг бакалавриатини 2379 нафар талаба битирди.**

*** 2002-2003 ўқув йилида 3390 талаба биринчи босқичга ва 569 та талаба магистратурага ўқишга қабул қилинди.**

***АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ***

*** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва**

**Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида пенсиялар миқдори 1,32 мартага оширилди.**

*** 2,0 млн.га яқин қария тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. 1,4 млн.га яқин пенсионер ва ногиронлар амбулатория, уй ва стационар шароитларида соғломлаштирилди.**

*** 2002 йилда 30,4 минг нафар кекса вазирлик, Касаба уюшмалари Федерацияси ва маҳаллий санаторийларда бепул даволандилар.**

# Ойдин ниятлар

● 31 ДЕКАБРЬ КЕЧАСИДА...

## ЁХУД СИМЛАРДА УЧРАШГАН СОҒИНЧЛАР ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ

*...Бир неча соатдан кейин янги йил кириб келади. Ўзгача бир ният, янги тилак-истак ҳамда режалар ила 2003 йил билан юзма-юз келамиз. Ҳар бир хонадон аҳли дастурхон атрофида жамулжам.*

*Бироқ иш, хизмат ўлароқ, янги йил шодиёналарини кўнгилдагидай кечиши учун байрамни ишхонада, хизмат жойида ўтказаётган инсонлар ҳам талайгина... Ана шундай соҳа вакилларидан бири — алоқачилар!*

*Узоғимизни яқин қилиб, олисдаги дўст-ёрлар сиҳат-саломатлигидан воқиф этиб турган алоқачилар, шаҳарлараро ва халқаро тармоқлар орқали бизни яқинларимиз билан улаб, уларга байрам табригимизни етказаётган алоқачилар галма-гал тонгга қадар хизматда бўлишади.*

*Соат 20:15. Таҳририят ижодкорлари, газетамизнинг қўлингиздаги байрам сонини тайёрлаётган журналист ва техник ходимлар айни дамда ишда.*

*Қўшни хонадаги ҳамкасбим Абдуғани Мамасодиқов шу тобда Пайариқ тумани билан боғланиб, дўст-биродарларини табриклайди. Котибамиз Мафтуна эса Сариосиёдан ота-онасининг байрам қутловини телефон орқали қабул қилаяпти. Вилоятдаги мухбирларимиз, қанчалаб дўстларимизнинг эзгу тилакларини сим орқали эшитаяпмиз. Айни чоғ, газетамизга ўзгача меҳр билан қарайдиган қозоқ халқининг улкан шоири Мухтор Шохонов Бош муҳаррririмизга сим қоқиб, жамоамизни янги йил билан муборакбод этди. Мен Киевга — ҳарбий хизматдаги яқин дўстимга қўнғироқ қилдим. Уйида экан. Шодлиги чексиз — бир лаҳза ўша, ҳарбийдаги ҳаётни эслаб, келаётган йилда ҳам тинчлик бўлишини ният қилдик. Табиийки, Олтинсойга телефон қилиб туман алоқачиларидан қишлоғимизни улаб беришларини илтимос қилдим: отанам, укаларим билан гаплашдим. Бу ярим соат ичида бўлган ҳолат.*

Суратда: Тошкент телеграф-телефон станцияси ходимаси Маъмура РАСУЛОВА

*Энди мамлакатимиз миқёсидаги хонадонлар ичра миллионлаб кишилар телефон орқали ўз қавми қариндошлари, хориждаги қадрдонлари билан сим орқали суҳбатлашаётганини тасаввурингизга келтиринг. Хуллас, ана шу касб эгалари Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги кишиларни бир-бири билан боғлашмоқда, бундан ташқари айни дамда юртимиз аҳли овози хорижий давлатлардаги таниш-билишларига бориб етаяпти.*

*Соат 22:30. Янги йил тобора яқинлашаяпти. Ишхонамиздаги телефонлар дамба-дам жиринглаб турибди. Байрам шукуҳи, айёмона кайфият, янги йил шавқидан дарак бермоқда қўнғироқлар...*

*Юртбошимизнинг Янги йил табригини телевидение, радиодан эфир орқали халқимизга ўқиб эшиттиришга, бу қутлуғ табрикни матбуот саҳифалари орқали юртдошларимизга етказишга чоғланган ҳамкасбларимизнинг ҳам ҳозир кўпчилиги ишда.*

*Соат 23:30. Ярим соатдан сўнг Янги йил киради. Газетамизнинг байрам сони тап-тайёр.*

*Устма-уст телефон жиринглаяпти... Узоқдан кимдир телефон қилаётганини сезаман. (Чунки телефон қўнғироғи узоқ, чўзилиб жиринглаяпти.) Гўшакни оламан. Қорақалпоғистондан. Курсдошим...*

*— Ишдамисиз, ҳозир ҳам.*

*— Ҳа...*

*—Байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

*— Сизни ҳам!*

*Остонада ишхонамиз хизмат машинаси ҳайдовчиси Карим ака бетоқат бўлиб турибди...*

*Йўлга тушаман. Кўнглимдан бир ўй кечади: «Байрамнинг илк қадаҳини шу тунда бедор туриб, янги йилни хизмат жойида қарши олаётганлар шарафига кўтараман...»*

**Қўчқор РАҲМАТ ўғли**

## Йиллар, йўллар, излар

**Озода НУРСАИДОВА, «Олтин Ҳумо» мукофоти совриндори:**

*— Бу йил мен учун ижодий янгиликларга бой, омадли йил бўлди. Дастлаб май ойида «Халқлар дўстлиги» саройида бир ҳафталик концерт дастуримни тақдим этдим. Сўнгра Германия, Миср, Исроил, АҚШ, Россия ва бир қатор МДҲ доавлатларида гастролда бўлиб, ўзбек санъатининг довруғини янада ошириш учун астойдил ҳаракат қилдим. Жаннатмакон диёримизда илк бор ўтказилган «Олтин Ҳумо» қўшиқлар танловида қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. Танловда «Ўзбегим, элим» номли ашулам йилнинг энг яхши қўшиғи, дея эътироф этилди. Бундан ташқари, бу йил бирваракайига — аудио, видео ва CD альбомларим мухлислар эътиборига ҳавола этилди...*

*Ҳар инсон эзгу орзу-умидлардан айро яшай олмагани каби, менинг ҳам улкан орзуларим бор. Имкон қадар орзуларим, умидларим йўлида изланаман, ижод қиламан. Халқимиз, тингловчиларимиз учун янги ашулалар яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Май ойида янги дастуримни тақдим этиш орзусидаман. Бунинг учун ҳозирдан тинимсиз ижод қилаяпман. Олтита янги ашулам тайёр. Мисрда суратга олинган видеоклип ҳам томошабинлар эътиборида...*

*Истагим — юртимиз тинч, халқимиз соғ ва омон бўлса бас!*

**Обид АСОМОВ, таниқли аскиячи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

***— Обиджон, айтишларича, бу йил Янги йилни бошқачароқ кутиб олаётганмишсиз. Яъни, болаларбоп томошалар кўрсатар экансиз. Тўғрими?***

*— Тўғри бўлганда қандоқ. Болаларни жуда яхши кўраман. Агар билсангиз, «между прочим», болалар дунёдаги энг самимий томошабинлар-да. «Қизиқчилар арчаси» деб номланган катта шоу-томошани тайёрлашдан мақсадимиз ҳам шу — болажонларни яна бир бор кулдириш, шодлик улашишдир. Ҳамма ўйлайдики, ҳа, нима, болани кулдириш осон, алдасанг бўлди. Йўқ, болани кулдириш жуда қийин, бола шунчаки кулишни ёки жилмайишни, заҳарханда кулишни билмайди. Улар кулсалар чин дилдан куладилар. Ва чиндан кулдириш керак... Шунданам болалардан дўстларим мўл-кўл!*

***— Айтинг-чи, «қизиқчи Обид» ҳаётда қачон жиддий? Ҳаммани кулдиради-ю, ўзи қачон кулади?***

*— Биласизми, одамларни кулдираётган санъаткор, аслида уларнинг ғам-ташвиши билан яшайди. Қизиқчи жиддий инсон бўлмаса, томошабинни ҳеч қачон кулдиролмайди. Қачон куласиз, дейсизми? Куннинг исталган пайтида кула оламан, овқатдан олдинми, кейинми, барибир. Ҳар ҳолда тушликдан кейин кулиш ҳузурбахшроқ. Томошадан олдин, умуман, ҳамма нарсадан олдин жиддийман.*

***— Янги йилни қандай кутиб олса, одам йил бўйи шундай кайфиятда юради, деган гап Сизга ҳам тўғри келадими?***

*— Бир сафар Янги йилни осмонда, парвозда, яъни ижодий сафардан қайтаётиб самолётда кутиб олганман. Лекин йил бўйи ерда юрганман, оддий одамлар орасида. Мен ҳар доим Янги йилни эзгу истаклар, ёруғ ниятлар билан кутиб оламан. «Худо хоҳласа, кириб келаётган Янги йил энг яхши йил бўлади!» деган қатъий истакни кўнглимга тугиб қўяман. Ва, албатта, шундай бўлиши учун кўп меҳнат қиламан. Менимча, «қизиқчи Обид» Янги йилни бошқалардан ўзгача кутмайди. Эл қатори байрамни оила даврасида кутиб оламан. Халқимиз доим яхшиликка эргашиб яшайди. Зеро, шундан оиламиз, маҳалламиз, элимиз, юртимиз обод.*

## Янги йилда ўзбекларнинг меҳмони бўламиз

**Дунёда айёмлар кўп. Лекин Янги йил байрами ўзгача. Уни барча халқлар учун умумжиҳатлик томони шундаки, турли жойларда гарчанд турлича одатлар асосида нишонланса-да, ҳар бир киши бу байрамни ўз оиласи, яқинлари даврасида кутиб олади. Бугун мамлакатимизда меҳмон бўлиши айнан янги йил киришига тўғри келган хорижликлар, сайёҳлардан шодиёна кечасини юртимизда қай тарзда нишонлашни ният қилишганини сўрадик**

**ТОМАРО** (Япония):

*— Янги йил байрамини Ўзбекистонда илк бор кутиб олаяпман. Ўзбекистон менга жуда ёқди. Тошкент гўзал, замонавий шаҳар экан. Саёҳатга бир ўзим чиққанман. Янги йилда ҳар доим оилам даврасида бўлардим. Ҳозир улар Токиода. Шунинг учун ҳам байрамни бирор-бир Япония миллий таомлари тайёрланадиган ресторанда қарши олишни ният қилдим.*

**Элзе ШЛИГЕЛ** (Австралия):

*— Оиламизда шаклланган бир анъанага кўра, биз янги йилни ҳар доим бирор-бир кўнглимизга ёққан, иложи бўлса, антиқа емакхонада кутиб олардик. Лекин негадир, кейинги беш-олти йил давомида Янги йил байрами арафасида баъзан сайёҳлик, баъзан иш юзасидан чет элларда бўлишимга тўғри келяпти. Ҳамма юртларда бу байрамни кутиб олиш ўзига хос тарзда ажойиб ўтар экан. Ўзбекистонда ҳар ким байрам куни ўз уйида — оиласи даврасида бўлиши менга жуда ёқди. Байрам — хурсандчиликни оиланг билан қарши олсанг, қандай соз. Юртингизга оилам билан келганман. Бизни бугун кечқурун бир дўстимиз уйига таклиф этган. Демак, 2003 йил кириб келиши чоғида оилам билан бирга ўзбек хонадонининг меҳмони бўламиз.*

**АНТОНИМО** (АҚШ):

*Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Бу ерда Янги йил байрами қиш фаслига тўғри келиб, ҳаммаёқ оппоқ қор, ичкарида байрам эканлиги, айниқса, ажойиб. Бунда қандайдир рамзий маъно борга ўхшайди.*

*АҚШда ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, ўзбекларга хос таоми — палов ҳақида эшитган эдим. Аммо, бугунгидек ёрқин тасаввурга эга эмас эдим.*

*Бугун, янги — 2003 йилни паловни зўр тайёрлайдиган бир ресторанда кутиб оламан. Юртимга қайтганимдан сўнг, дўстларимни бирор-бир байрам муносабати билан уйимга таклиф этиб, ўзбекчасига меҳмон қилмоқчиман.*

***Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.***

● БАҒРИКЕНГЛИК

## Оиласи қучоғида кутиб олдилар

*Амнистия акти қўлланилган қибрайлик 26 нафар фуқаро янги йил арафасида оиласи бағрига қайтди.*

*Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони ҳукуматимизнинг адолатли ва кечиримли сиёсат юргизаётганлигини яна бир бор намоён қилди.*

*Фармон ижросини ташкил этишда асосий эътибор афв этиш акти қўлланиши мумкин бўлган, аммо жавобгарлик ва жазодан яшириниб юрган шахсларни яна ижтимоий фаол ҳаётга қайтариш ишига қаратилмоқда. Зотан, бундай шахслар яшириниб юришлари туфайли иш ва осуда ҳаётдан маҳрум ҳолда янада оғирроқ, янада мудҳишроқ жиноятларга қўл уришлари мумкин. Бу эса фуқароларимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлигига раҳна солувчи омиллардан биридир.*

*Шу ҳолатларни инобатга олиб туман прокуратураси ижтимоий хавфи унча оғир бўлмаган ва Фармон тасарруфига кирувчи жазодан яшириниб юрган шахларнинг ота-оналари билан уларнинг қариндошлари, ёр-биродарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ташкил этди. Уларга Фармоннинг моҳияти ва мазмуни тушунтирилди.*

*Олиб борилган ушбу тадбир натижасида афв этиш тўғрисидаги қўлланилиши мумкин бўлган жазодан яшириниб юрган шахслардан бир нечтаси туман прокуратурасига ўз хоҳишлари билан келдилар. Бундай инсонларнинг келиши ҳамон давом этмоқда.*

*Уларга ўз навбатида салбий хатти-ҳаракатлар содир этмасликлари, бу ҳаракатлар уларнинг ўзлари, ота-оналари учун ташвишли натижаларга олиб келиши мумкинлиги уқтириляпти.*

*Натижада туман бўйича янги йил арафасида 26 шахсга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилди. Улар янги йилни ўзларининг уйида, қадрдонлари даврасида кутиб олдилар.*

**Абдиғани НАБИЕВ,**
**Қибрай туман прокурори**

## Қоидабузувчиларга — совға

*Украина давлат автомобиль назоратининг ёш ходимлари 30-31 декабрь кунлари Қорбобо ва Қорқиз кийимида хизмат постида турдилар. Улар йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчиларга бу сафар жарима ўрнига совға улашдилар, яъни йўл ҳаракати қоидалари чоп этилган китобча тортиқ қилдилар.*

*Украина Ички ишлар вазирлиги ДАН департаменти вакилининг айтишича, бу тадбир давлат автомобиль назоратига нисбатан шаклланган айрим салбий фикрларни ўзгартиришдан ва ижобийлаштиришдан иборатдир, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.*

## Арчалар савдоси қизиди

*Ҳаммамизга маълумки, янги йил олдидан барча шаҳарларда табиий арчалар савдоси кенг кўламда ташкил этилади. Хусусан, Москвада арча савдоси билан шуғулланувчи 508 та бозорча қизғин фаолият олиб борди. Бозорларга Москва вилояти ўрмон хўжалигидан 450 минг арча етказиб берилди. Арчаларнинг сотувдаги ўртача баҳоси 150 рублни ташкил этди.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан арча браконерлигига қарши махсус «Арча» операцияси давом этмоқда. Пойтахт мэриясининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш департаменти матбуот котиби Светлана Глинкинанинг айтишича, бозорларга ноқонуний олиб келинган барча арчалар мусодара қилиниб, улар болалар уйларига ва касалхоналарга жўнатилди.*

*Шаҳардаги арчаларни қўриқлаш отлиқ милиция ҳамда итли хизмат патруллигига топширилган. Шаҳардаги арчани кесган одам қўлга тушса Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 260-моддасига асосан жавобгарликка тортилади ва 10000 рубль миқдорида жарима солинади, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.*

## Паспортда бармоқ излари

*Малайзия ҳукумати бугундан эътиборан янги паспорт тизимини жорий этди. Эндиликда ҳар бир шахснинг ўз бармоқ излари унинг паспортида қайд этилади. Бу тадбир қалбаки паспортлар билан мамлакатга келаётган нолегалларнинг сонини қисқартириш учун амалга оширилмоқда, дейди Малайзия бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Абдулла Аҳмад Бадави. Унинг айтишича, жорий этилган янги паспорт тизими ҳали жаҳон амалиётида қўлланилмаган тажрибадир.*

*Малайзия ҳукумати бу йил қўшни давлатлардан мамлакатга кириб келувчи нолегалларга қарши қаттиқ кураш олиб бормоқчи. Бунинг учун қонунларга қаттиққўллик билан ўзгартиришлар киритмоқчи, яъни эндиликда қоидани бузган нолегалларни қамоқ жазолари кутади.*

*Кимнинг ҳужжатлари салгина шубҳа уйғотса, мамлакатга умуман киритилмаслиги ҳақида чегара пунктлари ходимларига кўрсатмалар берилган.*

*Маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг охирги ойларида 400 минг нолегал Малайзиядан чиқариб юборилган, дея ўз хабарини якунлайди «Новости» агентлиги.*

## Спиртли ичимликлар сотилмади

*Янги йил кечаси Санкт-Петербургда спиртли ичимликлар савдоси тақиқланди. Губернатор Владимир Яковлевнинг журналистларга тушунтиришича, одамлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шундай қилинди. Бундан ташқари, янги йил байрамлари ташкиллаштирилган шаҳар майдонлари кучайтирилган милиция гуруҳлари томонидан қаттиқ қўриқланди. Шунингдек, турли бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида шиша идишлардаги алкоголсиз ичимликлар ҳам сотилмади. Бу хабар ҳам «Интерфакс» агентлигидан олинди.*

## Даромад — болалар фондига

*БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг турмуш ўртоғи Нане Аннан хоним болаларга аталган ўзининг иккинчи китобини нашрдан чиқарди. Китоб безакли-суратли бўлиб, «Том-Там: икки томчи сув саргузаштлари» дея номланган. Унда икки томчи сувнинг кенг кўламдаги суғориш майдонларидан, сув йўллари ва омборларидан қандай ўтганлиги, барча-барча нарсаларга обиҳаёт бахш этиб, охирида ўзлари қурғоқчилик сабаб осмонга буғланиб кетганлиги безакли суратлар ёрдамида ҳикоя қилинади.*

*Швеция адвокати ва рассоми бўлмиш Нане Аннан хонимнинг «БМТ: биз билан юр» деб номланган биринчи китоби орқали сиз дунёга саёҳат қилишингиз мумкин.*

*Ҳар икки китобдан келадиган даромад БМТнинг Болалар фондига ўтказилмоқда, дея ўз хабарини якунлайди Reuters ахборот агентлиги.*

# истеъдод

*** Ушбу тизимда 2 та — Наманган вилоятида «Косонсой» сиҳатгоҳи ва Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиатош» сиҳатгоҳлари ишга туширилди. Қисқа давр мобайнида мазкур санаторий-профилакторийларда 1300 дан ортиқ пенсионер ва ногиронларнинг соғлиги тикланди.**

**ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ**



*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан 2002 йилда олимларимизнинг 126 нафарига докторлик, 615 нафарига номзодлик илмий даражалари, 71 кишига профессорлик, 236 кишига доцентлик, 17 кишига катта илмий ходимлик унвони берилди.**

**«УМИД» ЖАМҒАРМАСИ**

*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ўзининг беш йиллик фаолияти давомида 820 нафар йигит-қизни АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия каби ривожланган давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга юборди. Шулардан 573 нафари ўқишни тугатиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.**

**2002 йилда 43 нафар халқимиз умидлари таълим олиш учун чет элга жўнаб кетдилар.**

**«УСТОЗ» ЖАМҒАРМАСИ**

*** Республика «Устоз» жамғармаси барча таълим муассасаларининг иқтидорли ўқитувчилари, докторант ва аспирантларини жаҳон-**

**нинг ривожланган давлатлари таълим марказларида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги етук мутахассислари иштирокида республикамиз таълим мутахассисларининг малакасини ошириш юзасидан фаолият юритади.**

*** Жамғарма 1998 йилдан 2002 йилгача бўлган давр ичида чет эллардаги ўқув юртларига 255 нафар грант совриндорларини юборди.**

**Бундан ташқари, олий ўқув юртлари, коллежлар ва лицейларнинг 405 ўқитувчиси чет элда малака ошириб келдилар.**

*** Фақатгина 2002 йилда 144 нафар ўқитувчи жамғарма орқали малака ошириш курсларида, халқаро семинарларда ва хориж мамлакатларида ўтказилган конференцияларда қатнащдилар.**

*** Нуфузли чет эл олий ўқув юртларининг 20 дан ортиқ профессорлари, 50 дан ортиқ грант ва кичик грант совриндорлари 30дан ортиқ семинар ва лекция ўтказдилар ва буларда 900 нафарга яқин ўқитувчи қатнащдилар.**

**ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

*** Узбекистон Республикаси Давлат тест маркази маълумотига кўра, 2002 йил тест синовларида 238 000 абитуриент иштирок этди. Шулардан 19,900 нафари давлат грантларини қўлга киритдилар.**



**БОБУР ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ**

*** 2002 йилда жамғарма томонидан «Бобурнома»нинг янги нашри амалга оширилди.**

**2003 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллиги кенг нишонланади. Бобур Мирзонинг бизда нашр этилмаган янги девони афғонистонлик олима Шафиқахоним Ёрқин ва академик Азиз Қаюмовлар томонидан нашрга тайёрланади. Хусусан, Бобур Мирзонинг қизи, тарихнавис Гулбаданбегим ҳақидаги нодир асар она тилимизга таржима қилиниб, нашр этилади. Бу асар Бобурийлар сулоласи, тарихий обидалар ҳақида ҳикоя қилиши билан ғоят қимматлидир.**

**Бундан 100-150 йил илгари хорижда чоп этилган «Бобур-Йўлбарс», «Тож кийган дарвеш», «XVI аср бунёдкори» сингари ноёб асарларнинг ўзбек тилида нашр этилиши устида иш олиб борилаяпти.**

**Шу кунларда экспедиция сафарга ҳозирлик кўряпти. Бобокалонимиз Бобур ҳаёти ва ижодига боғлиқ янги маълумотлар топиш билан бир қаторда буюк аждодларимиз Беруний, Навоий, Беҳзодларнинг ўзга юртлардаги қабр-мақбаралари таъмирланади.**

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**тайёрлади.**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# Сержило тафаккур дурдоналаридан*

(Давоми. Боши олдинги сонда.)

**ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ҒЁТЕ — НЕМИС ДОНИШМАНДИ. 1749-1832 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Худолар одамлар ҳузурига ташриф буюрганларида, одамлар уларни, одатда, танимайдилар.
- Борлиқнинг ибтидоси Фаолиятдадир!
- Ўзимиз ўзимизга халақит берганимиз ва зиён етказганимизда, қийинчиликлар нимадирлар!
- Жасурликка ўрганиб ҳам, уни эсдан чиқариб ҳам бўлмайди.
- Ким узоқ ўйласа, ҳамиша ҳам яхши қарорни топа олмайди.
- Имконияти йўқ нарсани хоҳлаган киши менга ёқади.
- Вақт нафақат одамлар, балки, ҳайкаллар устидан ҳам ўз ҳуқуқини ёдда сақлайди.
- Одам учун фақат битта бебахтлик мавжуд... бу уни, ҳақиқий ҳаётга ҳеч қандай таъсири йўқ ёки уни меҳнатдан чалғитувчи, ғоя томонидан чулғаб олинишидир.
- Бизни одамлар қандай бўлишлари мумкин эди ҳақидаги хомхаёллар эмас, балки, улар ҳақиқатда қандай бўлганлар ва ҳозир қандай эканликларини билиш маърифий қилади.
- Афсуски, одамда ўзини одамдан ҳимоя қилиш учун ниҳоятда кўп асослар бор. Ёвузниятлилар — катта кўпчилик, жиноятчилар ҳам кам эмас, керак бўлганидай яшаш учун биргина эзгу ишларнинг ўзи камдир.
- Ҳар қандай ташаббус ўз замонасидан қанчалик ўрганса, ундан шунчалик азоб ҳам тортади.
- Одамлар ҳамма замонларда ғира-шираликни кундуз кундан афзалроқ кўрганлар, ахир, ғира-шира пайтда шарпалар ташриф буюрадилар-да.
- Яхши ва юксак нарсаларга мойиллик одамларда кам-дан-кам учрайди, шунинг учун кундалик ҳаётда бундай мулоҳазаларни ичида сақлаган ва уларни бошқалар олдида устунликка эга бўлиш зарурати тақозо этгани даражасида айтган яхши.
- Биронта узоқ давом этиши ва, ҳатто, қисмат ҳамда ҳаёт тарзи бўлиши лозим бўлган фаолиятда ишни нишонлашдан бошламаслик керак. Муваффақиятли якунланган нарсанигина нишонла ...
- Мен ўзи кимман? Мен нима қилдим? Мен кўрган, эшитган, кузатган нарсаларнинг ҳаммасини тўпладим ва улардан фойдаландим. Менинг асарларим минглаб турли-туман шахслар, нодонлар ва донолар, ақллилар ва аҳмоқлар томонидан етилтирилган; болалик, етуклик ёши, кексалик — барчаси менга ўз фикрлари, ўз қобилиятлари, ўз умидлари, ўз ҳаёт тарзини олиб келдилар; кўпроқ мен бошқалар экканини ўрдим; менинг асарим — жамоавий зотнинг асари, ва унинг номи — Гёте.
- Тўхтагин, лаҳза! Сен ажойибсан!
- Зевс, нега мен ўткинчиман? — Гўзаллик сўради. — Гўзаллигимнигина мен ўткинчи қилиб яратдим, — деди Худо.
- Ҳар қанақа бетартиб фаолият, охир-оқибатда, шармандаликка олиб келади.
- Ақлли одамлар — яхши қомусдирлар.
- Энг ингичка соч ҳам соя ташлайди.
- Иккита жанжаллашаётганлардан қайсиси ақлли бўлса, ўша айбдор.
- Жасорат, бу — шон-шуҳратдан бошқа, ҳаммаси.
- Умидворлик ҳамиша тушкунликдан яхши.
- «Айиргин ва ҳукмронлик қилгин» — доно қоида; аммо, «бирлаштиргин ва йўналтиргин» — янада яхши.
- Улкан одам ҳам — атиги одамгина, холос.
- Қайғудан қўрқмоқ — бахтни билмаслик.
- Кўпчиликдан жирканчлироқ ҳеч нима йўқ.
- Бир мартагина яшайсан.
- Ҳамма қонунларни ўрганаман, деган одамнинг уларни бузишга вақти қолмайди.
- Биз, моҳиятан, улар ҳақида ҳукм чиқара олмайдиган китоблардан ўрганамиз. Биз ҳукм чиқаришимиз мумкин бўлган китобнинг муаллифига биздан ўрганиш жоиз бўлади.
- Шундай китоблар борки, улардан ҳамма нарсани билиш мумкин ва ҳеч нимани тушунмайсан.
- Мажбур этишнинг иккита беозор шакли бор: қонун ва одоб.
- Ёшлик — тез ўтиб кетадиган камчилик.
- Ким биринчи тугмани нотўғри қадаса, энди у тугмаларни керагидай қадай олмайди.
- Ким илм чўққиларини эгалласа, фараз қилсинки, кўпчилик унга қарши бўлади.
- На ватанпарвар санъатнинг, на ватанпарвар фаннинг бўлиши мумкин эмас.
- Ҳақиқатни топишга қараганда, хатони топиш осонроқ.
- Рақибларимиз бизни ўзларича рад этадилар: ўз фикрларини такрорлайдилар ва бизникига эътибор қилмайдилар.
- Айтадиларки, дунёни рақамлар бошқаради. Йўқ, улар дунёнинг қандай бошқарилаётганлигини кўрсатадилар, холос.
- Хурофот, бу — ҳаёт назми.
- Бахтли одам мўъжизаларга ишонмайди.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

***Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.**

# Янги йилни ким биринчи кутиб олади?

Янги йил кечасини байрамона нишонлаш Ер курраси-нинг турли қисмида, турли вақтда бошланиши табиий. Албатта, японлар ўз мамлакатларини тонготар юрт деб ардоқлаб келишади. Шу тариқа одамларда Янги йил биринчи бўлиб Японияда нишонланади, деган фикр пайдо бўлган. Аслида ундай эмас. Янги йил халқаро миқёсда келишилган «Кун алмашинадиган чизиқ»дан бошланади. Бу чизиқ эса Евроосиё билан Шимолий Американи бир-биридан ажратиб турувчи Беринг бўғозидан ўтади. Демак, Россиянинг энг шимоли-шарқий чеккаси — Чукотка ярим оролида истиқомат қилувчи одамлар дунёда биринчи бўлиб Янги йилни кутиб оладилар. Чукоткаликлардан икки соат кейин японлар, беш соатдан сўнг мўғуллар, вьетнамликлар, етти соат ўтгач тошкентликлар, ўн соатдан кейин Москвада, ўн икки соат ўтгач французлар, инглизлар, ўн етти соатдан кейин эса Нью-Йорк ва Вашингтонда Янги йил кутиб олинади.



*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

# Энг эзгу ва самимий тилаклар

**Профессионал боксда муваффақият қозонаётган ҳамюртларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Кувончбек Тайғонбоев ҳамда уларнинг ласвегас(АҚШ)лик мураббийи Кенни Адамслар Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олдилар. Биз байрам арафасида пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида машғулотлар ўтказаётган боксчиларимиз ва уларнинг мураббийи билан учрашиб, ўтган йил таассуротлари, янги йил режалари билан қизиқдик.**

***Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ, Сидней олимпиадаси, Осиё ва жаҳон чемпиони:***

*— Ўтган 2002 йилнинг кўп кунларини Лас-Вегасда ўтказдим. Океанортида ўтган ҳар бир дақиқа ҳаётимга мазмун бағишлади. Профессионал боксдаги жангларим сонини ўнтага етказиб, барчасини ғалаба билан якунладим. Ноябрь ойида навбатдаги учрашувимни ўтказишим лозим эди. Бироқ, таниқли боксчи, укамиз Руслан Чагаевнинг никоҳ тўйи муносабати билан ўн биринчи жангимни кечиктирдик. Сўнгги икки ойни оилам, дўсту биродарлар даврасида ўтказдим. Бундан хурсандман. Яқинда яна бир кучли боксчимиз Ўткирбек Ҳайдаров уйланди. Унинг тўйида қатнашдим.*

*Охирги пайтларда ҳаваскорлар боксидаги мураббийим Марс Кўчқоров билан ўртамизга бироз совуқчилик тушиб, муносабатларимиз ёмонлашганди. Йил якунида ўтказилган «Бокс куни» тадбирида устозим билан ярашиб олдик. Оддий қилиб айтганда, ўтган йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Муҳими, профессионал бокс рингида барча жангларимни муваффақиятли якунлаб, ўз мухлисларимни хурсанд қилдим.*

*Олдинда эса жиддий синовлар кутиб турибди. Ўзбекистонда 9 январга қадар машғулотларда қатнашаман. Сўнгра, Австралияга жўнаб кетаман. Мельбурнга етиб боргач, Австралия иқлимига мослашиб 19 январда Жанубий африкалик Филипп Холидейга қарши жанг ўтказаман. Кейин Лас-Вегасда навбатдаги жангларга тайёргарлик кўрамиз. Янги йилдаги энг катта мақсадим — IBF версиясининг 63,8 кг вазн тоифасида олтин камарни қўлга киритиш. Ўйлайманки, мухлисларимни қувонтираман.*

***Руслан ЧАГАЕВ, Осиё ва жаҳон чемпиони:***

*— Ўтган йилда режалаштирган барча ишларимни тўлиқ бажардим. Профессионал рингда рейтинг очколари учун ўтказилган ҳамма жангда ғалаба қилдим. Ўтган йилда онамнинг катта орзу-ҳавасларидан бири ушалди. Мен севган қизимга уйландим. Шунинг билан бирга дўстимиз Ўткирбек Ҳайдаровнинг ҳам никоҳ тўйида қатнашдим.*

*Янги йилда ҳам ўз анъанамни давом эттирмоқчиман. 19 январда Австралияда бўладиган навбатдаги учрашувда америкалик боксчига қарши рингга чиқаман.*

***Кувончбек ТАЙҒОНБОЕВ, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори, профессионал бокс бўйича 69 кг. вазнда Тинч океани ва Океания минтақаси чемпиони:***

*— WBO йўналишидаги жангларим сони йигирматага етди. Ўз вазн тоифам бўйича қитъалараро чемпионликни қўлга киритдим. Қувонарлиси, янги йилни оилам даврасида қаршилаяпман. Қизчамиз Тамара бир ёшга тўлди. Янги йилнинг дастлабки ойида Муҳаммадқодир ва Руслан каби Мельбурнда навбатдаги жангимни ўтказаман. Рақиб исмини ҳозирча аниқ билмайман. Лекин у америкалик боксчи бўлади. Насиб қилса, ушбу жангни ўз фойдамга ҳал этсам, яна саноқли учрашувдан сўнг жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқаман.*

***Кенни АДАМС, мураббий:***

*— Ўзбекистонга келмасимдан олдин, Тошкент ва бу серқуёш ўлка ҳақида мутлақо бошқача тасаввурда эдим. Икки йилда уч маротаба ташриф буюргач, бу гўзал ўлкани севиб қолдим. Янги 2003 йилни Ўзбекистонда қаршилаётганлигимдан афсусланмайман. Ўтган йилда шогирдларим билан кўзланган барча ишларни аъло даражада амалга оширдик. Агар Русланнинг тўйи ўртага тушмаганида, йигитлар рейтинг очколарини янада ошириб олишарди. Лекин бундан хафа эмасман. Ахир айтишади-ку, хайрли ишнинг эртаси яхши, деб.*

*Янги йилдан эса умидларимиз катта. Шогирдларим олтин камар учун рингга чиқишади. Муҳаммадқодирга берган ваъдам бўйича, у янги йилда олтин камар соҳиби бўлса, мен албатта, Андижонга меҳмонга бораман. Чунки, олтмиш икки ёшда Тошкентдан тўрт юз километрлик масофани автомашинада босиб, Андижонга бориши учун жўяли бир сабаб керак-да! (Кулади.)*

***Ҳа, дарҳақиқат, янги йилдаги жиддий баҳсларга тараддуд кўраётган боксчиларимиз ва уларнинг мураббийи билан суҳбатимиз самимий кечди. Уларнинг юзидаги табассум, кўтаринки кайфиятини кўриб, биз ҳам боксчиларимизга янги йилда омадлар тиладик. Суҳбатимиз сўнггида боксчиларимиз ишқибозларга ўз дастхатлари туширилган янги йил тилакларини тақдим этишди.***

**Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратда:** Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Кенни Адамс ва Қувончбек Тайғонбоев.

# ҚИШДА ЧИЗИЛГАН СУВРАТ

*Туркумдан*

**НОРҚОБИЛ Қўчқор**

**1.**

***Кеча қатрондай қотади,***
***Мени мўлжалга олди кўк —***
***Фалак музнайза отади***
***Бироқ менга теккани йўқ.***

***Оёқларим остида муз —***
***Бошимда муз — қаҳри совуқ...***
***Деразангдан узмадим кўз***
***Йўқ, ҳозирча кетганим йўқ.***

***Тонг оқарди... Узоқ кутдим —***
***Ўйнаб-ўйнаб ёғади қор...***
***Муз кечадан омон ўтдим,***
***Келмайсанми, энди баҳор?!***

**2.**

***Қорга ёздим. Исиндим —***
***Ўт ўрлади Исмингдан.***
***Олис чоғлар музлаган***
***Баҳор ёнди кўксимда...***

***Чарсиллар қор учқуни***
***Шамол ўйнаб учирар...***
***Зарра-зарра қорларга***
***Фалак Исминг кўчирар...***

***Боқдим — кўкка айландинг...***
***Кўзларим тортди хира.***
***Қор бўлиб ёғдинг... Бошда***
***Оқаради Хотира...***

**3.**

***Қор. Кеча. Кўча. Аллаким***
***кетаяпти қўлида гул...***
***Васл сари шошар балким —***
***О, шодлиги аён буткул!..***

***...Йўл муз эди — йиқилди у.***
***Гул сочилди қорда шу дам —***
***Бироқ, мендан бахтли эди,***
***Қор устида ётган одам...***

**4.**

***Юзинг лола, шарифинг япроқ,***
***Пальтонг яшил, белинг — гул банди.***
***Кўксоябон бошингда — титроқ,***
***Сени қордан қўриб ўртанди.***

***Зангор... Зангор — бирам ярашиқ***
***Аёз чимчир этикларингни.***
***Мен ҳижжалаб ўқийман ошиқ***
***қорнинг ажиб битикларини.***

***Мунча яшноқ... қандай чўзилар,***
***Юрак ютиб сенга қайси қўл?***
***Қаҳратонда танҳо мўъжиза,***
***Сен ким учун очилгансан, гул?!***

**5.**

*Салим АШУРга*

***Ишхона. Бешинчи қават.***
***Кўча қор. Ернинг қандили —***
***Дарахтлар товланар — зумрад***
***шуҳъалар чулғар қалбимни...***

***... Эсингда, қор ёғарди —***
***Қиш... талабалик йилларим...***
***Қор қўйнида кун оғарди,***
***Музлаб қоларди қўлларинг...***

***Лабларингда ёнарди сўз,***
***Шундай гўзал бўларди қиш...***
***... Бугун... қордан узмайман кўз,***
***Бешинчи қават. Иш!.. Иш... Иш!..***

• МАМЛАКАТЛАР, ОДАМЛАР, ОДАТЛАР

# Қурум юқтирса, омадли бўлармиш

**АВСТРИЯ**да мўри тозаловчи қадимдан омад ва эсон-омонлик рамзи ҳисобланади. Янги йил кирадиган куни кимда-ким уни учратиб, ўзига қурум юқтирса, омадли бўлар эмиш.

**АФГОНИСТОН**да байрам март ойида нишонланади. Одамлар далага чиқиб ер ҳайдашади. Тантаналарда спиртли ичимликлар дастурхонга тортилмайди.

**БОЛГАРИЯ**да тантаналардан дарак берувчи бонг урилиши билан уйларда чироқлар ўчирилади. Ҳамма бир-биридан бўса олади. Уй бекалари турли пишириқлар ичига совға солиб тайёрлашади. Тановвул пайтида бировга танга чиқса, бахтли бўлиши, атиргул ғунчаси чиқса ишқ-вафода барқарор бўлиши таъминланар экан.

**АНГЛИЯ**да ҳам инглизлар янги йилни ўзига хос нишонлайдилар. Қизиғи шундаки, бу ерда Янги йил оқшомига таклиф қилинмайди. Зеро, ёзилмаган қоида бор. Истаган киши таниш-нотаниш хонадонга кириб, байрамни нишонлайвериши, меҳмон эса уларга меҳмоннавозлик кўрсатиши мумкин. Келган меҳмон шу хонадоннинг қўри ўчмасин, деган ниятда данакдек бўлса ҳам кўмир донасини ўчоққа ташлаши қоидага айланган.

**ВЕНГРИЯ**да байрам дастурхонига ҳеч қачон қуш гўшти қўйилмайди. Боиси, шу хонадондан бахт қуши учиб кетмасин, деб ирим қилинади. Венгерлар шу куни саримсоққа асал қўшиб ейишни хуш кўришади.

**ГОЛЛАНДИЯ**да уй бекалари йилда бир пишириладиган сомсани дастурхонга тортишади. Бандаргоҳларда турли кемалар Янги йил келганидан садо бериб, гудок чаладилар.

**МЕКСИКА**да уй шифтига ширинликлар билан тўлатилган, сиртига баҳайбат махлуқлар тасвири туширилган хум осиб қўйилади. Кўзи бойланган меҳмонлар таёқча билан кўзани пойлаб уришади. Кимки буни синдира олса, Янги йилда бахт, омад унга ёр бўлармиш.

*Газетанинг навбатдаги сони 4 январь, шанба куни чиқади.*


**BOSH MUHARRIR**

**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI**

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

**MUASSIS:**

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

15155 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA